

# Ўзбекистон

Элим деб, юртим деб, ёниб яшаш керак

1925 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМГАРМАСИ ГАЗЕТАСИ

1997 йил 18 июнь Чоршанба. № 47 (14439)

## Ўзбекистон - Озарбойжон: азалий дўстлик - абдий дўстлик

**Ўзбекистон истиклолга эришгач, бир қатор хорижий мамлакатлар, жумладан, МДХ давлатлари билан тенг ҳамкорликни йўлга қўйиб келмоқда. 1991 йилнинг октябрь ойида имзоланган Ўзбекистон Республикаси ва Озарбойжон Республикаси ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорлигининг асосий тамойиллари ҳақидаги битим икки мустақил давлат алоқаларига тамал тошини қўйди.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг тақлифига биноан Озарбойжон Президенти Хайдар Алиевнинг Ўзбекистонга бугун бошланажак расмий ташрифидан ана шу ҳамкорлик янада мустақамланиши кўзда тутилмоқда.

Мустақилликка эришган иккала мамлакат тарихан қисқа муддатда савдо-иқтисодий ҳамкорлигини ривожлантириш йўлидан борди. Чунончи, 1993 йилнинг 26 февралда ҳукумат делегациясининг Ўзбекистонга расмий ташрифи бу муносабатларни янада ривожлантирди. Ушунда савдо-иқтисодий муносабатларни кенгайтириш, божхона хизматлари ўзаро ҳаракати ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳамда Озарбойжон Республикаси Миллий банки ўртасида 1993 йил мобайнида ўзаро ҳисоб-китоб тамойилларини белгилаш масалалари кўриб чиқилган эди.

1996 йилнинг 27 майда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Озарбойжон Республикасига расмий ташрифи икки мамлакат ҳамкорлиги тарихида муҳим воқеа бўлди. Мазкур ташриф мобайнида мамлакатлар ўртасида узок муддатли, истикболли савдо-иқтисодий ҳамкорлиги билан боғлиқ масалалар мажмуи кўриб чиқилди.

Чунончи, Ўзбекистон ва Озарбойжон ўртасида товарлар, ишлар ва хизматларнинг кенг ҳаракатини таъминловчи эркин савдо тўғрисида; икки мамлакат иқтисодиётида инвестициялаш учун кулай шартлар яратуви ўзаро рағбат ва сармояни Ҳимоялаш ҳақида; иқтисодий ресурслардан кенгроқ фойдаланишга имкон яратувчи ва тўғридан тўғри хўжалик алоқаларини янги босқичда шакллантирувчи иқтисодий кооперация тўғрисида ҳукуматлараро битимлар имзоланди.

1996 йил 13 майда Сараҳ шаҳрида Ўзбекистон Республикаси, Озарбойжон Республикаси, Грузия ва Туркманистон Президентлари минтақавий ҳамкорлик доирасида Ўзбекистон Республикаси, Озарбойжон Республикаси, Грузия ва Туркманистон ўртасида транзит юк ташини тартибга солиш борасида ҳамкорлик тўғрисидаги Битимни ва Ўзбекистон Республикаси, Озарбойжон Республикаси, Грузия ва Туркманистон ўртасида темир йўл транспорти фаолиятини мувофиқлаштириш ҳақида Шартномани имзолашди. Ушбу ҳужжатлар юклар ҳаракатини мазкур мамлакатлар ичкарасида бўлгани каби Европа ва Осиё ўртасида транзит юкларни ташини таъмин этувчи ягона транспорт тизимини шакллантиради. Амалда Ўзбекистон Республикасини Озарбойжон Республикаси ва Туркманистон орқали Грузиянинг Поти бандаргоҳи

билан боғловчи транспорт "йўлаги" вужудга келтирилди.

Ўзбекистон ва Озарбойжон ўртасида товар алмашинуви кенг миқёсда амалга оширилмоқда. Кейинги йилларда товар алмашинувининг ошиши кузатиляпти. Агар бу кўрсаткич 1995 йилда 5 миллион 175,4 минг АҚШ доллари миқдорига бўлса, 1996 йилда 7 миллион 862,9 минг долларни ташкил этди. Жорий йилнинг биринчи чорагида товар алмашинуви 1 миллион 550,7 минг АҚШ доллари ҳажмида бўлди, бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 186,7 минг доллар кўпдир. Шунга таъкидлаш керакки, 1996 йилда импорт экспортдан 0,8 миллион АҚШ доллари миқдорига устунлик қилди.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда Озарбойжон билан тўртта қўшма корхона ишлаб турибди. Булардан бири Тошкентдаги ўзбек-Озарбойжон "Кондиционер" қўшма корхонаси бўлиб, унинг муассислари "П.П.Осиё-Сервис" хусусий фирмаси ва "Баккондиционер" илмий ишлаб чиқариш бирилмасидир. Бу корхона радиоэлектрон аппаратлар, маиший машиналар, асбоб-ускуналар ва металлбюмлар ишлаб чиқариш, техник ҳамда савдо хизмати кўрсатиш, жиҳозларни таъмирлаш бўйича фаолият кўрсатади. Корхона низоом жамғармаси 10 минг АҚШ доллари ҳажмида бўлиб, Ўзбекистон улуши 49, Озарбойжон ҳиссаси 51 фоизни ташкил этади. Шунингдек, Тошкент шаҳрида кенг истеъмол моллари олди-сотдиси билан шуғулланувчи "Елвин-М" хорижий корхонаси, Самарқанд шаҳрида улгуржи савдога ихтисослашган "Универсал" фирмаси филиали, чакана савдо билан шуғулланувчи "Севинг-Трейднинг" хусусий хорижий фирмаси фаолият кўрсатмоқда.

Озарбойжон заминидан ўтувчи транспорт тизими Ўзбекистон учун дунё мамлакатлари билан алоқа ўрнатишга имкон яратмоқда. Чунончи, 1996 йилнинг май-декабрь ойларида Грузия портларига Озарбойжон орқали 50,3 минг тонна пахта толаси, Ўзбекистонга эса 48,7 минг тонна галла, 1,125 тонна гуруч, 3,8 минг тонна гўшт ташилди. Шу даврда Озарбойжон Республикасига "Ўзқурилишматериаллари" концерни 44.865 тонна, 1997 йилнинг биринчи чорагида 7,854 тонна цемент юнатиди. Жорий йилда Поти шаҳрига Озарбойжон орқали 12,866 тонна пахта толаси юборилди.

Ўзбекистон юкларини дунёнинг турли манзилларига элтиш имконини бераётган мазкур транспорт йўналишини энг қисқа ва самарали бўлиб, унда темир йўл, автомобиль, денгиз йўллари уйғунлашиб кетган.

Озарбойжон Республикаси Президенти Хайдар Алиевнинг юртимизга расмий ташрифи азалдан муштарак мақсадли халқлар ҳамкорлигини янада мустақамлашига шубҳа йўқ.

Шухрат ЖАББОРОВ

## Миллий қадрлар - миллат фахри

### "КАМОЛОТ"НИНГ СОВҒАСИ

Термиз шаҳридаги ўқувчилар саройида ЭҲМ тақдимномасига бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди. Шу куни шаҳардаги 7 ўрта мактабга Американинг "IBM" корпорацияси маҳсулоти бўлган тўртта энг замонавий компьютер бепул тақдим этилди. Республика ёшларининг "Камолот" жамғармаси бошқарувининг раиси Х.Абдураимов нутқ сўзлади. У алоҳида қайд этдики, мамлакатимиздаги мактабларни замонавий компьютерлар билан таъминлашга аҳд қилдик. "Камолот" жамғармаси вилоят бўлими раиси, Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати Жуманазар Қурбонов ёшларга гамхўрлик кўрсатилаётганлигини алоҳида қайд этди. Бу иш аввало Термиз шаҳридан бошланганлиги диққатга сазовордир.

Сунтра вилоят ҳокими муовини Муҳиддин Абдулаев, Термиз шаҳар ҳокими Хусан Умаров, вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Рўзбой Турсунов, вилоят қасаба уюшмалари кенгаши раиси Х.Шарофидиновлар Республика "Камолот"чиларининг вилоят ёшларига кўрсатаётган гамхўрлиги учун миннатдорчилик билдирдилар. 7-мактаб битирувчиси Баҳодир Дирёв ўз табрик ва қувончини инглиз тилида изҳор этди. "IBM" корпорациясининг мамлакатимиздаги вакили Д.Аҳмадуллин ўз сўзида корпорация тарихи хусусида гапириб берди.

### ШАҲАРАСИ БУЮК АВЛОДИМИЗ

"Қадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурни тузиш" комиссияси йиғилишида кўтарилган масала бугунги куннинг кечиктириб бўлмайдиган вазифаларидан биридир. Биз ёшлар долзарб вазифаларни чин дилдан ҳис қилиб, билим ва тажрибаларини ошириб бормас эканмиз, эртанги кунимиз порлоқ бўлишига ким қафолат бера олади.

Ҳа, Президентимиз бежиз жон куйдирмаептилар. Ҳақиқатдан кўз юмиб бўлмайди. Энг ачинарлиси таълим-тарбия тизимидаги чалкашлиқлардир. Ҳозирги кунда ўқувчилардан биттаси ҳам олийгоҳ талабаси бўлмаган мактаблар йўқ эмас. Келажаги буюк давлатни яратувчилар бугун шу мактабнинг ўқувчилари, битирувчилари ахир. Уларнинг орасида эса билим олишга чанқоқлари бармоқ билан санарли. Енгил ҳаёт, осон пул топиш пайида юрган ёшларни учратамиз. Уларнинг тақдирини билан эса ҳеч ким қизиқмайди.

Олийгоҳларда номига талаба бўлиб ялло қилиб юрганлар ҳам йўқ эмас. Уларни ўқиш ва ишлари ҳам ўз-ўзидан бўлаверади. Катталар эса бу кўзбўямачиликларни кўриб кўрмасликка, эшитиб эшитмасликка олади.

Шу ўринда дастурда келтирилган - ўз ҳисобидан ўқишга кирувчиларга ҳам кенг йўл очиб берилди - деган фикрни қайд этиб ўтмоқчиман ва бунга қаршиман. Негаки, яна ўша соясига салом берадиган амакининг эркатойи осонгина ўқишга кириб, юқоридаги талабанинг ҳаётини давом эттиради. Тўғри, бу олийгоҳ учун фойда келтирар, жамият учун эса ...

Ахир биз шаҳараси буюк темирйўлар авлодимиз, ахир биз Чулпон орузининг рўёбининг, Фитрат, Усмон Носирларнинг ўтли армонимиз. Миллат фахри, гурури бугунги ёшлар қалбига ҳоким бўлсин.

Феруза ОРИПОВА

Вазирлар Маҳкамасида Бош вазирнинг биринчи ўринбосари П.Журабеков раислигида республика халқ хўжалиги тармоқларини кўзги-қичши мавсумда ишлашга тайёрлаш масалалари комиссиясининг кенгайтирилган йиғилиши бўлди. Унда мавжуд коммуникация ва узатиш тармоқларини сифатли таъмирлаш, халқ хўжалиги тармоқларини йил буйи узлуксиз ишлаши, аҳолининг хотиржам яшashi учун зарур шароитлар яратиш, мактаблар, болалар боғчалари, касалхоналар ва бошқа шу каби иншоотларни таъмирлашни 15 августгача тугаллаш зарурлиги таъкидланди.

Қоровулбозор шаҳрида асфальт заводи ишга туширилди. Янги корхонанинг илк маҳсулоти жаҳоннинг улкан иншоотларидан бири - нефтни қайта ишлаш заводи ҳудудини асфальтлашда жуда кўп келмоқда. Кунни-кеча шаҳарчада 150 кишига мўлжалланган шинам чойхона ҳам фойдаланишга топширилди.



Бухоро Давлат университетидagi "Камолот" жамғармасининг жамоатчилик маркази "Майнавият ва маърифат" маркази ва бошқа тегишли жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда "Истиқбол ва аёл" мавзусида илмий-амалий анжуман, "Тўқсон" кўрик-танлови каби кўплаб қизиқарли тадбирлар уюштирмоқда. Бундай тадбирларда талабаларнинг "Нотанишлар" шоу гуруҳи ва "Турон" вокал-чолпу гуруҳи аъзоларининг чиқишлари санъат шинавандаларини беҳад мамнун этмоқда. Университет қошида талабалар тадбиркорлигини кўплаб-қувватлаш мақсадида "Мусаввир" кичик корхонаси ҳам тўзилган.


## БОЖХОНА - ИҚТИСОДИЙ ҲИМОЯ ДЕМАК

Бўлса, ўтган қисқа вақт ичида бу орган бутун бошли тизимга айланди. Ҳозир божхона хизматининг имконияти кенгайган, норматив ҳужжатлар ингилдан кўриб чиқилди, моддий негиз қийинчиликлар билан бўлса ҳам яратилди. Бугунги кунда 233 божхона постларида кўп сонли ходим сержантлик билан фаолият кўрсатмоқда.

Учрашув охирида қатнашчилар Республика Божхона хизмати шаклий тартибига қарата мунозабатнома қабул қилдилар. Унда Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан божхона хо-

диллари олдига Республикаимизнинг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, халқ пешона тери билан топилган миллий бойликларнинг ноқонуний йўллар билан ташқарига чиқиб кетишига йўл қўймастик, республика ички бозорига сифатсиз молларнинг қонунига хилоф равишда кириб келишининг олдини олиш ва бошқа вазифалар қўйилган.

Суннат АЗЛАРОВ, "Туркистон" мухбири



## "ИНТЕРНЕТ" хабарлари

Конго Республикаси Президентининг отишмаларини тўхтатиш ҳақидаги кўрсатмасига қарамай, мамлакатда қуролини тўқнашувлар давом этмоқда.

Тожикистон билан ҳам мулоқатат гўруҳи раҳбарининг таъкидлашича, тожик-афгон чегарасидаги воқеа - ҳодисаларга унинг тасарруфидagi қуролини кичларнинг ҳеч қандай дахли йўқ.

Афғонистонлик генерал Аҳмад Шоҳ Масъуд ўз мурожаатномасида мамлакатдаги ички можароларни ҳал қилишда ҳарбий йўлдан наф йўқ эканини билдирди.

Колумбияда ер силкиниши содир бўлди. Рихтер ўлчови бўйича у 6,2 баллини ташкил этди.

Афғонистон. Пули-ҳумири шаҳри ҳудудидagi толибонлар гўруҳи тормор қиллинди.

## Бу турфа олам

Америкалик олимлар узок йиллик изланишлардан сўнг шундай ҳудудга келдилар: агар эркаклар ҳеч бўлмаганда ҳафтасига икки маротаба балиқ еб турса, уларнинг инфаркт касалигига йўлиқиш хавфи анча пасаяр экан. Олимлар балиқдан тайёрланган таомларнинг олам-қон томир касалликларига қандай таъсир этишини бир неча ўн йил давомида кузатдилар.

Бу кашфиёт АҚШ тарихида энг узок давом этган изланиш натижасидир. Тадқиқотлар 1957 йили Чикагода бошланган эди.

Исроилнинг «Хайф Технион» денгиз муҳандислиги институтида довулни олдиндан айтиб берадиган янги компютер тизими ишлаб чиқилди. Институт директори, профессор Михаил Штейннинг сўзларига қараганда, бу тизим фан оламида муҳим кашфиётдир.

У об-ҳаво ҳолати ҳақида аниқ ахборот келадиган метеорологик тармоқ билан бево-сита боғланган. Шуниси диққатга сазоворки, мазкур компютер денгизда рўй берадиган хавфли довул ҳақида 48 соат олдин хабар беради.

УзА

Ёшларни ҳар томонлама билимли ва етуқ қилиб вояга етказиш борасида талай ишлар қилинмоқда. Жумладан, "Камолот" жамғармаси Навоий вилоят бўлимида IBM компютерларини ургатиш курсларини ташкил этилган Фирдимнинг даъватлари. Яқинда ана шу ўқув курсларини тугатган ёшларга ҳужжат топшириш маросими бўлиб ўтди. Анжуманда Ўзбекистон Ёшларининг «Камолот» жамғармаси Навоий вилоят бўлими раиси Ф.Назаров жамғарма қошида ташкил этилган ушбу курснинг биринчи қатнашчиларига оқ йўл тўлади.

Шундан сўнг сўзга чиққан Республи-ка «Камолот» жамғармаси раиси му-вини К.Юсуфов ва вилоят ҳокими ўринбосари А.Ҳайдаровлар битирувчи-ларнинг олдига турган мақсад ва вазифалари хусусида фикр билдириш-ди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки 1997 йил 17 июндан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун 1 АҚШ долларининг сўмга нисбатан қийматини 61 сўм 79 тийин миқдорига белгилади.

"Туркистон" ва УзА мухбирлари хабарларидан





## Оқ йил ўрнида! ОРЗУ ЧИРОҒИ

Бу қадим туркий заминда кўшиқ куйлаш, назм жавоҳирларига дил дардини кўшиб сўйлаш, илоҳий сўз қудрати, сеҳрли кучи билан қисқа умрдан мангуликка қадар бўйлаш кўхна анъана.

Шеър - дунёни англаш учун унинг барча неъматларидан баҳраманд бўлиш учун талпинаётган юракнинг ширин оғриқлари. Юнусжоннинг шеърларидаги ўша оғриқлар олис тоғлар бағридан келаётган болаликнинг жарангдор овози каби юракларни уйғотади.

Юнус Бўронов Қашқадарё вилояти Қамаш туманидаги Амин Умарий номли ўрта мактабнинг 8-синфида ўқийди. Унинг шеърларидан ҳозирнинг ўзидаёқ жўшқин илҳом, ўткир истеъдод нафаси сезилиб турибди.

Нормурод НАРЗИЙ

### ҚУЁШ БОБО

(Ҳазил)  
Тонг қиздан кеч туриб,  
Атрофга мўралайсиз.  
Сулув борлиқни кўриб,  
Боладай думалайсиз.  
Кўёш бобо қаенга,  
Ой момодан қочасиз?  
Келинчақлар юзига,  
Нурингизни сочасиз.  
Кўёш бобо шўхдирсиз,  
Юракдаги чўғдирсиз...

### ЁЗ КЕЧАСИ

Сирли шивирлайди дарахт барглари,  
Алла айтар маънос ариқдаги сув.  
Сукунат аврайдди жонли оламни,  
Шабда томларда кезади ғув-ғув.

Кўк кўрпасига юлдуз юмалар,  
Уларга меҳрла боқали ой ҳам.  
Юксакка термулар ширин хаёллар,  
Ҳатто унут бўлар дўст, бегона ҳам...

### ТЎРТЛИКЛАР

Ватинни севмагандан иймон қидирма,  
Найсони севмагандан район қидирма.  
Фозиллар даврасида ўсиб-ўлғайган  
Инсонлар ўғлидан нодон қидирма.

X X X

Қайси юрда руҳлар шод бўлар,  
Ўша юрт мангу обод бўлар.  
Қайси юрнинг улуги нодон бўлса,  
Ўша юрда мангу дод бўлар.

X X X

Бевақт узилмасин қалбнинг торлари,  
Орзулар киймасин армон тўнини.  
Қанот бермас дилга, қайгу зорлари,  
Янтроқ кўшиқларнинг юрак жунуни.

Юнус БЎРОНОВ

### СОҒИНМА

Онажон қизингни соғинма бунча,  
Қадрингни билмаган сенинг қизингни?  
Дардингни дилинган аритмаса у  
Сенинг болангни у, сенинг изингни?

Дунёга келтириб, борлигинг берсанг,  
Оёгинг ўпмаган бенаво, бесас.  
Дарду дунёнг учун ўздин кечмаган  
Соғинчинга арзиб қолурми абас.

Сен унга Оллоҳдан шафоат сўра,  
Гуноҳинг қўлини ўпиб қўймасин,  
Сен уни меҳрининг нурига ўра,  
Токи бардошларин сўкиб қўймасин.

### ЮРАГИМ ҚИП-ҚИЗИЛ ГУЛГА ЎХШАЙДИ

Менга бир сабот бер, Муҳаббат,  
Йўлимда учраган тоғларни суйай,  
Менга бир қанот бер, Муҳаббат  
Булуллар бағрига гул экиб кўяй.

Орқамдан истеҳзо қилган қимсалар,  
Менда ҳам бир юрак борлигин билсин,  
Юрагим қип-қизил гулга ўхшайди,  
Севаман деганлар гулдайин севсин.

Малоҳат ХОЛИҚОВА  
Тошкент Давлат университети  
талабаси

### ҲАР ЧЕЧАКДА ВАТАН МЕҲРИ БОР

Мен шу юрда туғилиб, ўсиб,  
Юрт кўшигин минг бор куйладим.  
Юрт қўшигин минг бор куйладим.  
Боглариди ҳар тонгда кезиб,  
Бутун меҳрим унга йўлладим.  
Чинорлари тарихин сўзлаб,  
Чаманзори тутар менга гул.  
Эркин, озод яшашин кўзлаб,  
Ҳар чечакда Ватан меҳри бор,  
Темурнинг сўзи бор тилаклариди.  
Мозийни беагай ажиб бу диёр,  
Авлодлар умиди куртақлариди.  
Гўзал маъво шундай бир Ватан,  
Бутун умр куйлаб ўтарман,  
Таърифига дoston битарман.  
Жаҳонга юз тутди озод бу Турон,  
Очунда дурдонам ҳур Ўзбекистон.

Моҳира ШЕРКУЛОВА,  
Қарши Давлат университети талабаси

### ВАТАН — СЕН КАБЪАМСАН

Ватан! Сен қаъбамсан, сизинганим сен,  
Ўртаниб куйлашга йўқдай арзир сўз.  
Қора кечмишинга куйинсам-да мен,  
Бутун бўйларингни кўриб қувнар кўз.  
Ўзбегим, оҳларинг Оллоҳга етди,  
Ватан истиқлолдан ёришиб кетди.

Ватанни қароғдай асрайман суюб,  
Аждолларим хокин кўзга сураман.  
Ўзбегим! Талъатинг бунчалар суюк,  
Оқибат борлигин сенда кўраман.  
Ўзбегим, баҳордай неқомсан жуда,  
Топтамоқ бўлганлар юрар беҳуда.

Ватан! Сен онамсан, субҳи содиқдан  
Тандирдан енгчада нон узиб тутган.  
Мен нурларингни эмган бутун борлиқдан  
Сенинг дарахтингман барқ урган ўктам.  
Ўзбегим, жаннатбахш бу юрт посбони,  
Чашмадай тиниқдир кўнгул осмони.

Махсуда ЭГАМБЕРДИЕВА,  
Гулистон Давлат университети талабаси

## ШИРИНДА МАҚЛУБ

Гўзаллик мамлақати...  
Ифбат, ҳаё, ор-номус, жозиба би-  
лан асир этувчи мамлақат!  
Адолат билан сиёсат юргизувчи мам-  
лақат!

Сен, шу мамлақатнинг шоҳисан,  
Ширин!  
Йўқ! Аниқроғи мамлақатнинг ўзи,  
моҳиятисан, Ширин.

Рухсоринга зуҳур этилган илоҳий  
нур сени шу мамлақатга шоҳ қилди.  
Сен мамлақатнинг алифдай устун,  
кўринишдан ваҳм солувчи жаллодла-  
ри...

Йўқ! Йўқ! Бевоқифа камон ва найза  
билан беҳато нишон оловчи сарбозла-  
ринг...

Давлатнинг гўнчадек ақиқ ширин-  
ликлари, ол рангли деворлари билан  
Фарҳодни асир этдинг.

Фарҳод мамлақати сенга таслим  
бўлди. Зеро, беҳато олинган нишон  
Фарҳод мамлақатининг юрагига ишқ  
учқунин солди.

Оқибатда, бу учқун оташга айлан-  
ди, аланга олди. Қалбни оташгоҳ қилди.  
Шу тариқа юксаклик томон интилди.

Натижада, бу юксаклик кўёш сари  
кўтарилиди. Ширин, мен бир муҳлиснинг  
сифатида ҳаётинга назар солаётим,  
ишқинга офаринлар айтгим келади.  
Зеро, у ҳар қандай душман ҳужумига  
бардош берди.

Нега бардош бермасин, ахир. У вужуд  
деворлари билан ўралган қалб қалъаси  
муҳофазасида эди.

Бироқ бу ишқ Фарҳоднинг ўлимига  
сабабчи бўлди. Фарҳоднинг ўлими сени  
ҳам ўз ёнига чорлашга мажбур қилди.  
Зеро, унинг мақсади висол эди.

Ширин, мен бунга руҳан эзилма-  
дим. Назаримда, бу ўлим бахтли ўлим.  
У - барчани ҳайратга солган, Навоий  
қўзларидан қувонч ёшларини оқизган  
ўлимдир.

У ўлим эмас, зинҳор-базинҳор, ак-  
синча, муҳаббат йўлидаги ҳижроннинг  
интиҳоси, висол йўлининг  
бандаргоҳидир.

Бу ишқ бугун ҳам барчани ҳайрон  
қолдиради, қалбларга ҳаяжон солади.

Ирода ХОЖИЕВА,  
Урганч Давлат университети талабаси

# ОЛТИН БЕЛАШЧАК

### СЕНИ ДЕБ...

Сени деб, тушларим силсиласида  
Бўғзимга тиқилиб инграйдим титроқ,  
Бул кўнгул шубҳанинг домига тушиб,  
Бир тузоқ дастидан ўйларим сиртмоқ.

Бир соғинч йўлларга ёшин тўкади,  
Худди ишқ гулига томган шабнамдек.  
Соғинчдай бўғилиб, сабрим ўлади,  
Бир парвонага зор, ёнганим шамдек.

Насиба Жуманиёзова,  
Урганч Давлат университети  
талабаси

### КўНГИЛ СИНҚЛАРИ

Ўзим кўнглингда меҳр изладим,  
Юзим изингизга босиб бўзладим.  
Кул босган ҳисларни ўзим кўзгадим,  
Менинг исми билан тўлди—муҳаббат.

Кейин изладингиз мени боғлардан,  
Насимли чоғлардан ажиб тонглардан.  
Хаёллар буй чўзган интиқ онлардан,  
Борар манзилингиз бўлди - муҳаббат.

Ҳижрон тош бўлса ҳам ютаман, девдим,  
Кўнглим зор, зор дилга етаман, девдим.  
Қошида бошимни ағаман, девдим,  
Ҳайҳот, мағлуб бўлиб қолди - муҳаббат...

Йўлим пойлай-пойлай толди - муҳаббат...

X X X

Мен эмас қаршингда юзи чўғли қиз,  
Мен эмас, исмингни гулларга сотган.  
Баҳор насимларин бевақт уйғотиб,  
Севги оятларин гул қилиб отган.  
Мен эмас...

Умида ҲАСАНОВА,  
Тошкент Давлат университети  
талабаси

### «ЮРАГИНГИЗ ЧИРОЙЛИ ЭДИ...»

Кўнглингда МЕН ўлдим яна,  
Рухим сизга нималар деди.  
Ўша дамда, сиз дил эдингиз,  
«Юрагингиз чиройли эди».

О, сизданда пок осмон борми,  
Нега унга булуллар келди?  
Юрагимга санчилдингиз жим,  
Осмонларим феруза эди.

У, ўлимга бериб қўйдингиз,  
Бу оламни сизсиз нетарман.  
«Буткул паноҳ» изладим, энди  
Буткул бошим олиб кетарман

... Кунларимиз чиройли эди...

Гулжамол АСҚАРОВА,  
Тошкент Давлат университети талабаси.

### ПАҲЛАВОН МАҲМУД

Кўнгилашга шеър бўлур таянч,  
Мен ҳам баъзан шеърлар тўқийман.  
Ғамларимга истасам юпанч,  
Паҳлавон Маҳмудни ўқийман.

Мадад излаб сўрсам бирон мард,  
Вужудимни қоплаганда дард,  
Юрагимда тўлиб кетса дард,  
Паҳлавон Маҳмудни ўқийман.

Ул элимнинг яловбардори,  
Футувват аҳлининг сардори,  
Кўхна Хоразмнинг мадори,  
Паҳлавон Маҳмудни ўқийман.

Кўзларимдан ҳижрат қилса нам,  
Келажақдан кўринса зўр шаъм,  
Бу дунёдан топиб-топганим,  
Паҳлавон Маҳмудни ўқийман.

Ҳамза ЭШЧОНОВ,  
Урганч Давлат университети талабаси

### НУР

Мен нурман, майсанинг кўз ёшин артиб,  
Лабиди ундирган кулгу жилвалар.  
Мен - нурман, севгининг куйин янграйиб,  
Ғофиллар қалбини титратган гулу.  
Мен нурман, орзулар рўёби учун,  
Жисмида ўстирган буюк эътиқод.  
Мен - нурман, кафтимда манзил пайдар-пай,  
Чарчаган ўжарим, жоним етар бас!  
Мен - нурман, эртага алангаланиб,  
Дунё бағрига ўт ёқишим мумкин!

Дилрабо ЙўЛДОШЕВА,  
Наманган Давлат университети талабаси

### ЧИМИЛДИҚҚА КИРИБ ОЛАР ОЙ

Келгин,  
Эркам,  
Ойни олиб бераман,  
Ноғорадек чалиб бераман.  
Бир нафас кўзларингни юмгин,  
Шундай бир боғни барпо етаман.  
Ҳайратдан лол қолар, Эрам.  
Келақол эркам...

X X X

Қалдирғоч рақс тушар,  
Мовий гумбазга айланар замин,  
Рақслардан лол қолар башар,  
Нигоҳ висол чоғида.  
Кийик ўтга айланар,  
Денгиз уялар мавжланишдан,  
Юрак тўхтайдди уришдан,  
Нигоҳ висол чоғида,  
Кўёшга эниб қолар жон,  
Чимилдиққа кириб олар ой  
Юрак зангидан ларзада осмон,  
Нигоҳ тинган чоғида.

Нуриддин ИСМОИЛОВ,  
Тошкент Давлат университети  
толиби

### КЕЧИР

Кечир! Мен сени баҳорга алмашдим бугун,  
Гулларга алишдим кўзлари моҳим,  
Титради қалдирғоч тиклаган очун,  
Мусича бўлди-ю учди гуноҳим.

Кечир...  
Кўзларинг ўтидан тополмадим шеър,  
Бир шеърки ўтларга ёққувчи дилни,  
Рухимни бурдалай, сабр қушлар ер.

Кечир...  
Мен энди ўзимдан бошқаман,  
Сарғайган ёмғирлар ювсин жисмингни  
Кеч кузак чоғида юз очган, эй гул,  
Хаёлим тубидан олдим исмингни.  
КЕЧИР...


Мақсуд АСАДЕВ,  
Бухоро Давлат университети

### ТЎРТЛИКЛАР

Бевақт хазон этма, узмагил гулни,  
Кўзни оч, шошилма, билиб бос йўлни,  
Ота-онанг бирла ош емак эрсанг,  
Алардин илгари узатма қўлни.

Билиб қўй, отанг қарғишин олма,  
Кўнглига ғам-алам, ситамлар солма,  
Унутма, оталар қарғиши ёмон  
Ранжитиб сўнг узинг балога қолма.

Баҳодир РАСУЛОВ,  
Самарқанд  
Давлат меъморчилик-қурилиш институти





Абдулла Қодирий номидан Давлат мукофотида номзодлар

“ЮР. МУХАММАДИ, ҚЕШҚИР БУ ЕРДАН”

Бундан йўзигирма йиллар бурун, ўша пайтда алабети-мининг кўзига айланган “Шарк юлдузи” журна...

нишга топширилмаган, Муҳаммадjonнинг эса ичи қизиб, ярим кечаси ўша уй ёнига бориб қолади. Қуришлик қор...

Журналининг ўша пайтдаги масъул котиби - ёзувчи Тожир Малик...

Пайгамбаримиз Муҳаммад саллоху алайҳи вассаламининг ҳадисларида яхши амаллар, яхши муносабат ва муаммолар тўғрисида улуг ўғитлар бор:

“Бригадир ака, мунча озғинсиз, мунча бўлиқ гўзаларингиз?” Ҳам содда, ҳам самимий сатрлар. “Пахтани, деб одамлар озиб-тўзиб кетди, одамларнинг қонини сўриб, пахталар семирдиб, тўлишиб кетди” - дегандай. Битта ўхшатиш билан, битта чоғиштириш билан эсда қолари ва дарди мисраларда ҳақ тақдир очиб берилган. У пайтларда бунақа гаплари ёзиш - ўзига хос ижодий жасоратни талаб қиларди.

“Келганда ҳам замона охир, Меҳр қолур, муҳаббат қолур”. Бу улғи нидо ҳам имонди кишиларимиз қалбида акс-садо бериши табиий эди. Боз устига, бастакор Анор Назаровнинг унга яратган қуйи қўшиқнинг парвозини юксак-юксакларга олиб чиқди.

“Нега? Шейрлар маъкул. Шу сонда эълон қиламиз, - деди Тожир Малик ўша кайфиятда. - Лекин исми-шарифи ёқмайроқ турдиби. - Ҳудо берган исми-шариф - Муҳаммад Юсуфов. Нима эшон? Ҳали машхур шоир бўлиб кетса, бу гапингиз учун уялиб юрасиз. - Муҳаммаднинг шейрлари бослиқини эшитиб, кўнглим хотиржам бўлиб, ўзимча ҳазил қилган бўлидим.

Мен шоир истеъдодининг халқ орасида нечоғлик қад-рланганини кўрган одамман. Бир куни у билан Балиқчи туманининг Чинобод қишлоғида кетаётсак, йўлимизни бир кекса, нуруний киши кесиб чиқди. Ва биздан олдин салом берди.

“А?! - дедилар Тожир ака, ҳазилларингиз унингиздан энасиси қотиб. Кейин қўшиб қўйдилар: - “Юсуфов” тарзида чиқармаймиз. Пайгамбаримиз Юсуф алайҳиссаломнинг исмига ўрнатишда иштатмаслигини керак. Бу шоирнинг эси “Муҳаммад Юсуф” имзоси остида нашр этилган эди. Келиб қолса, розилигини олайлик. Айтнинг, менга уярсин.

Шоирга бундан ортқ мукофот борми? Балиқчилик талабаларининг олти юз кишилик даврасида эса Муҳаммад Юсуфнинг бастакор Анор Назаров билан биргаликда яратган, “Узбекча танго” си янграли. Ҳоқ ишонинг, ҳоқ ишонманг, олти юз талабанингни бар-часи шоир ҳамда бастакорни қўлаб, рақсга тушиди. Ҳозир у қўшиқ Нуриддин Ҳайдаров ижросида ҳаво мавжларида тез-тез таралиб турди. Қўшиқдаги “Юр, муҳаббат, кетди-бу ердан” деган қаровчи инсонларнинг ёмонлигини яхшиликка, қаҳрдан меҳрга, ҳаромдан ҳалолга томон даъват этади.

Шундай қилиб, илк бор “Шарк юлдузи” журналыда “Муҳаммад Юсуф” деган имзо пайдо бўлди. Лекин ҳозир-ги кунда халқимиз севиб, номини эъозлаб тилга олаётган Муҳаммад Юсуфнинг шон-шувратига ҳали анча бор эди. У кўп меҳнат қилиши, ижодининг машаққат ва заҳматларини бошдан кечириши лозим эди. Албатта, бунинг устига, унда Ҳудо берган иқидор ҳам бор бўлиб, ана шу иқидор уни тез кунда тенқурулари дарвасидан, ёзган асарларининг пишиқ-пухталиги ва мукамаллиги билан ажралиб, чақмоқдай отилиб чиқиб кетганлигидан ҳам кўриниш мумкин.

Марҳум ва машхур қўшиқ ёзувчи шоирлардан бири (Оллоҳ уни раҳмат қилсин) Муҳаммаднинг бир куни на-шриёт йўлида учрашиб қолиб, унга ҳавас ва ҳасад билан: -- Қайнагансан-а бола, шу кунларда! Жуда-жуда қай-нагансан, ишқилиб, охири баҳар бўлсин! - деганди. Бу ёши катта шоирларнинг эътирофларидан бири. Ҳузи тенгиларнинг қанчадан-қанчаси Муҳаммад Юсуфни “янгилар” яратиш ишига ҳисса қўшмаётган сан-аб, яниб юрдилар. Ҳатто шунақаси ҳам бўлидики, орқаваротдан уни “рўзғорбон шейрлар” ёздаган шоир, деб ҳам гап қилдилар. Шоир эса уларнинг шейрларидаги қўшиқларига есенинча қилиб, буларнинг яиттаёғини йўлларидан юриб кўрганми, қабилда гап қилиб ва ўзининг халқ қўшиқлари йўлида асарларини ёзаверди. Деҳқонларимиз, мунси онахонларимиз ҳақида, қаттагон йилларида ҳалок бўлган боболар тўғрисида “Онам йиллар”, “Деҳқон бобо”, “Файзулла бобо”, “Қодирий бобо” каби ўнлаб ажойиб қўшиқлари дунёга келди. Мустақил дарвинизни куйловчи “Халқ бўл”, “Релбоғ”, “Дўппи қиймай қўли одамлар”, шунингдек, “Ўзбекистон - Ватаним меним” қўриқ-танловларида муттасил янграётган тароналари яратилди. Яратилмоқда.

Мен бу иқидорли шоир укамга ижодий парвозлар ҳаминча ёр бўлишига тилақдошман.

Муҳаммад Юсуфнинг ўша пайтдаги ёш хонанда Маҳмуджон Азимов ижросида янграган “Улуғбекнинг ар-мони” қўшиғидаги маъхур сатри ҳалқнинг дилидаги дар-да мос келиди. Гарчанд, асарда одамлар яхши билган фожиа тўғрисида ҳикоя қилинса-да, шоир талқинидаги ҳаяжон қалбларда акс-садо берди. У ахир, мустабил жа-мининг асоратли дамларида, юртимизда соғиб тўзун-дун ҳўжазилари авж олаётган пайтда янгради. Усти-га устак, меҳрсизлик, шахс манфаатларининг эри охири даражада ҳал этилиши, баъзан ҳал этилмағи қўй қони-ши, порахўрлик ва таниш-билишчиликнинг куййатганидан қўяйиб кетиши натижасида ҳақиқатан ҳам, кишилар дардларини кимга айтишиларни билмай юрган паллалар эди. Улуғбек тақдир баҳонасида, шоир халқ юрагинда армонни усталик билан қўшиққа солди. Шу ўринда “Улуғбекнинг армони” кўшиғи яратилиши билан боғлиқ ҳодиса тўғрисида ҳам тўхталиб ўтайлик.

Мен бу иқидорли шоир укамга ижодий парвозлар ҳаминча ёр бўлишига тилақдошман.

... Ўша кунлари шоирга Дархон маҳалласидан янги хонанд ажратилганлиги. Уй битган, лекин ҳали фойдала-

Т. Нодировлар касалхонада ҳаётдан кўз юмади.

Яна бир бахтсиз ҳодиса. Хоразм вилояти Янгибозор туманида яшовчи Музаффар Қаландаров Фотима Қаландаровани йўловчи сифатида мотоцикл орқасига мингаштириб олар экан, масъулият сезмай “Халқобод” жамоа хўжалиги ҳудудида олдинда кетаётган “Т - 150” русумли тракторни тезлик-ни ошириб қўшиб ўтмоқчи бўлди. Йўл қодаларига риоя қилмаган мотоцик-ли бошқарувни йўқотиб қўйди. Мотоцикл унга бўйсунмай ағдарилди. Қўшиб ўтиш М. Қаландаровга қиммат-га тушди. Унинг йўловчиси Ф. Қаландарова воқеа содир этилган жойда ҳалок бўлди. Ҳайдовчи эса тан жараҳатлари билан касалхонага ётқизилди.

ЭҶТИЁТ БЎЛИНГ, АВТОМОБИЛЬ

маълум аёл воқеа жойида вафот этдилар. Эрта тондан Нуриддин Қурбонов ҳам “КамАЗ” русумли автомашинасини бирров қўздан кечириб олди. У ёқ бу ёғини кўргандай бўлди, ўз текшируви-дан кўнгли тўлган Нуриддин йўлга отланди. Бироқ автомашинасини Тошкент ҳалқа йўлида бошқариб кетаётганда кутилмаганда автомашинани гилдираги чиқиб кетди. Машина ўз йўналишини ўзгарти-риши натижасида йўл четида кетаётган пиеда Антонина Хомская оғир тан жараҳати олиб, ҳаётдан кўз юмди. Яна бир пиеда Дилнора Нурғалиева эса ка-салхонага ётқизилди.

Темир-йўл кесимчаларидан ўтиш ҳайдовчилар адоҳида эътиборни талаб этади. Бунда ҳайдовчи поезд ёки теп-ловознинг ўтиб кетганига қадар тўхтаб турмуши, шундан кейинги ҳаракатини бошлашига рўхсат этилади. Бироқ бесаб-р ҳайдовчилар кўпинча “ўтиб ке-тишга” ошиқшади. Баъзан бир неча дақиқа кутиш уларга малол келади. Яқинда Самарқанд вилояти Нар-пай туманида “Оқ олтин” жамоа хўжалигининг “Олтин булок” жамоа хўжалигига ўтиш жойидаги 28-разъеда-да тепловознинг ўтиб кетишини кут-май Қарши Худойқуллов ўзининг ҳаётига нуқта қўйди. Мотоциклнинг тез ўтиб кетишига ишонибми ёки ўзининг им-кониятларини ҳаддан ортқ баҳолабми, Қ. Худойқуллов тепловоз-нинг яқинлашиб келаётганига қарамай, кесимшадан ўтиб кетмоқчи бўлди. Бироқ тепловоз гилдираклари тағида қолди.


Шунга ўхшаш воқеа Сурхондарё вилояти Узун туманида ҳам содир бўлди. “З1-ХАТП” ҳайдовчиси Мухитдин Юну-сов “ГАЗ-53” русумли автомобилда йўловчиларни олиб йўлга отланади. Шури тумани ҳудудидаги Боботго Урмон хўжалигига қарашли “Зур дўнг” тоғ те-палигида автомобилнинг олдинги тормос шлангаси ёрилиб кетади. Автомашини йўлдан чиқиб кетиб тоғдан пастликка ағдарилди. Оқибатда йўловчилар П. Жумоев, У Алибоевлар воқеа жойида ҳалок бўлишди. Г. Хидиров билан

Муассис: ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ «КАМОТ» ЖАМГАРМАСИ Ҳомий: Ўзбекистон Республикаси «МАТВОТ ТАРҚАТИШ УСОМАСИ» АССОЦИАЦИЯСИ

Бош муҳаррир Абдуқодир НИЁЗОВ Навбатчи муҳаррир: Темир ҚУРБОН

ЧЎЛПОҲ ТАВАЛЛУДУНИНГ 100 ҲИЛМЛАН

То чарх довоширдин ўлағай айём, То шейр ҳайозига йўқур айём, То байт тарокибда бўлағай айём, Топсун назмиме била жажон аҳли низо...



Яна мен сена қайтдим, эй кўкларим, Чунки боран сари юзинг очилиб, Чунки боран сари ҳидинг сочилиб, Сил кўнгаларга бахш этир малҳам...

СИЗ БҲНГА ҚОДИРСИЗ

- Хизматга бўлган эътиборим макеим учун асқотади. Ҳеч бир иш куним беғула ўтмайди. •Фаолиятингизда малакамни ошириш учун доим ҳаракат қиламан.